| **61.** | Халқ таълими тизимида фаолият кўрсатаётган ходимлар ўртасида “мини-футбол” бўйича **“Вилоят ҳокими кубоги”** мусобақасини ташкил этиш. | 1. “Футбол” мусобақасини ўтказиш юзасидан низомни тасдиқлаш.<br>2. Мусобақанинг туман (шаҳар) саралаш босқичини ўтказиш.<br>3. Мусобақанинг вилоят босқичини ўтказиш.<br>4. Мусобақа ғолибларини тақдирлаш тадбирини ташкил этиш. | 2022 йил сентябрь<br><br>2022 йил октябрь | 25 млн | Маҳаллий бюджет маблағлари | Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси, Спорт ва туризмни ривожлантириш бошқармаси |
| **62.** | Ўқувчи-ёшлар ўртасида **“Шахмат”** бўйича вилоят кубоги мусобақасини ташкил этиш. | 1. Мусобақани ўтказиш юзасидан низомни тасдиқлаш.<br>2. “Шахмат” мусобақасини 3 босқичда: мактаб, туман (шаҳар), вилоят босқичларини ташкил этиш.<br>3. Мусобақанинг мактаб, туман (шаҳар) саралаш босқичини ўтказиш.<br>4. Мусобақанинг вилоят босқичини ўтказиш.<br>5. Мусобақа ғолибларини тақдирлаш тадбирини ташкил этиш. | 2022 йил ноябрь<br><br>2022 йил декабрь | 30 млн | Маҳаллий бюджет маблағлари | Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси, Спорт ва туризмни ривожлантириш бошқармаси |
| **63.** | Соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида халқ таълими ходимлари ўртасида **“3 000 қадам”** шиори остида югуриш марафонини ташкил этиш. | 1. Андижон шаҳрида югуриш марафонини ташкил этиш бўйича вилоят ҳокимлиги йиғилиш баёнини тасдиқлаш.<br>2. Марафонда иштирок этиш истагини билдирган ходимлар рўйхатини шакллантириш.<br>3. Марафонни белгиланган жойда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда юқори савияда ташкил этиш.<br>4. Ғолибларни тақдирлаш тадбирини ташкил этиш. | 2022 йил давомида режа график асосида | - | - | Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси, Спорт ва туризмни ривожлантириш бошқармаси |

| Т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Талаб этиладиган маблағ (сўм) | Молиялаштириш манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **64.** | Умумтаълим мактабларида темир дафтарга киритилган оилаларнинг ўқувчи-қизлари ижтимоий ҳаётга тайёрлаш | 1. Туман(шаҳар)лардаги мавжуд ўқув марказлари, ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва хафтада бир маротаба очиқ эшиклар кунини ташкил этиш:<br>- бунда юқори синф ўқувчиларини дарсдан кейин устоз-шогирд анъаналари асосида ишлаб чиқариш корхоналарида малака ошириш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш.<br>- ўқув марказларида қизларни бепул касбга йўналтириш чораларини кўриш;<br>2. Мактаблардаги ота-она қарамоғидан махрум бўлган битирувчи ўқувчи-қизларни ОТМ га киришда махсус квоталардан фойдаланиш чораларини кўриш.<br>3. Умумтаълим мактабларидаги мавжуд ижтимоий ҳаётга тайёрлаш тўгараклари фаолиятини кучайтириш, ушбу тўгаракларга ўқув марказларининг мутахассисларини жалб қилиш чораларини кўриш | 2022 йил февралдан бошлаб ҳафтада бир маротаба<br><br>2022 йил май<br><br>2022 йил февралдан бошлаб мунтазам | | | Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси, |
| **65.** | Қизларни болалигидан миллий қадриятлар руҳида маънавияти юксак, соғлом, ҳақиқий ватанпарвар инсонлар қилиб тарбиялаш мақсадида умумтаълим мактабларида ташкил этилган **“Ораста қизлар”** тўгараклари (1-8-синф), **“Қизларжон” клублари** (9-11-синф) фаолиятини такомиллаштириш. | 1. Барча умумтаълим мактабларида “Ораста қизлар” тўгараклари ҳамда “Қизларжон” клублари фаолиятини қайта кўриб чиқиш.<br>2. Мазкур тўгарак ва клубнинг мавзулар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.<br>3. Тўгарак ва клублар фаолиятини доимий равишда мониторинг қилиб бориш | 2022 йил март<br><br>2022 йил март<br><br>Доимий | | | Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси, |
| **66.** | Умумтаълим мактабларида темир дафтарга киритилган оилаларнинг ўқувчи-қизлари ижтимоий ҳаётга тайёрлаш | 1. Туман(шаҳар)лардаги мавжуд ўқув марказлари, ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва хафтада бир маротаба очиқ эшиклар | 2022 йил февралдан бошлаб ҳафтада бир | | | Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси, |

| Т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Талаб этиладиган маблағ (сўм) | Молиялаштириш манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | кунини ташкил этиш:<br>- бунда юқори синф ўқувчиларини дарсдан кейин устоз-шогирд анъаналари асосида ишлаб чиқариш корхоналарида малака ошириш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш.<br>- ўқув марказларида қизларни бепул касбга йўналтириш чораларини кўриш;<br>2. Мактаблардаги ота-она қарамоғидан махрум бўлган битирувчи ўқувчи-қизларни ОТМ га киришда махсус квоталардан фойдаланиш чораларини кўриш.<br>3. Умумтаълим мактабларидаги мавжуд ижтимоий ҳаётга тайёрлаш тўгараклари фаолиятини кучайтириш, ушбу тўгаракларга ўқув марказларининг мутахассисларини жалб қилиш чораларини кўриш | маротаба<br><br>2022 йил май<br><br>2022 йил февралдан бошлаб мунтазам | | | |
| **V. Битирувчиларни касбга йўналтириш йўналиши** | | | | | | |
| **67.** | Вилоятдаги умумтаълим мактаблари ўқувчиларини **касб-ҳунарларга** бўлган қизиқишларини ошириш ва уларни бандлигини таъминлаш. | 1. Ўқувчиларда меҳнат кўникмаларини мактаб давридан бошлаб шакллантириб бориш мақсадида “касбга ўргатиш тизими” бўйича 7-11 синфлар ўртасида сўровнома ўтказиш.<br>2. Ўтказилган сўровномалар асосида ўқувчиларни ўз қизиқишлари бўйича касб-ҳунар эгаллашларига йўналтириш.<br>3. Ўқувчилар ўртасида “Энг яхши хунарманд” кўрик-танловини ўтказиш.<br>4. Вилоятда мактаб ўқувчилари учун “Касблар фестивали”ни ўтказиш. | 2022 йил февраль<br><br>2022 йил февраль<br><br>2022 йил март-май | Тегишли ҳисоб-китобларга кўра | Хомийлик асосида | Вилоят ҳокимлиги,<br>Халқ таълим бошқармаси,<br>Бандлик бош бошқармаси,<br>Савдо-саноат палатаси,<br>Ҳунармандлар уюшмаси,<br>Туман (шаҳар) ҳокимликлари |
| **68.** | Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини қизиқишлари асосида касб-ҳунарга ўқитиш ишларини ташкил этиш. | 1. Бошланғич синфдан бошлаб ўқувчиларга меҳнат бозорида мавжуд бўлган турли касблар тўғрисида тушунчалар бериш; | 2022 йил Март-апрель | - | - | Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси |

| Т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Талаб этиладиган маблағ (сўм) | Молиялаштириш манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 2. Психологик ташхислаш асосида умумтаълим мактабларининг 7-9-синф ўқувчиларини касбий мойиллигини аниқлаш ҳамда ишлаб чиқариш саноат корхоналарига танишув экскурсияларини ташкил этиш;<br>3. Ҳududнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда 10-синф ўқувчиларини мактабда белгилаб берилган касбларга ўргатиш ҳамда “Устоз-шогирд” анъаналари асосида касбга йўналтириш;<br>4. Касб-ҳунар амалиёти хоналарини туризм, боғдорчилик, тадбиркорлик, миллий ҳунармандчилик соҳаларига оид керакли жиҳозлар билан жиҳозлаш; | | | | |
| **69.** | Вилоятдаги мактабларда таълим 7-11 синф ўқувчиларига касб-ҳунар эгаллашлари учун етарли шарт-шароитлар яратиш. | 1. Мактаблардаги мавжуд **596 та** “Технология ва касбга ўргатиш” хоналарини қайта хатловдан ўтказиш ва жиҳозлаш.<br>2. Мактабларга яқин ҳудудларда жойлашган профессионал таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхона, ташкилотларда ўқувчилар учун меҳнат хоналарини ташкил этиш.<br>3. Ҳафтанинг ҳар шанба кунини вилоятдаги барча ташкилотларда *(ҳокимият, корхона, ташкилот)* 11-синф битирувчилари учун **“Очиқ эшиклар куни”** деб эълон қилиш. | 2022 йил апрель<br><br>2022 йил март<br><br>Доимий | Ҳисоб-китоблар асосида | *(Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар)* | Вилоят ҳокимлиги,<br>Вилоят Молия бош бошқармаси,<br>Халқ таълим бошқармаси,<br>Бандлик бош бошқармаси,<br>Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармаси,<br>Туман (шаҳар) ҳокимликлари |
| **70.** | 9-синф битирувчиларини касб-ҳунар мактаблари ва академик лицейларга, касб-ҳунарга йўналтириш | 1. Умумтаълим муассасаларидаги 9-синф битирувчиларининг қизиқишлари асосида тегишли касб-ҳунарга йўналтириш бўйича тавсиялар бериш.<br>2. Умумтаълим мактабларининг 9-синф ўқувчилари ва уларнинг ота-оналарига | 2022 йил Март | - | - | Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси,<br>Касбий таълимни ривожлантириш ва |

| Т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Талаб этиладиган маблағ (сўм) | Молиялаштириш манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Касб-ҳунар мактабларида ўргатиладиган касблар ҳамда академик лицейлар йўналишлари тўғрисида маълумот бериш.<br>3. Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини қизиқиши ва қобилияти бўйича Касб-ҳунар мактаблари ёки академик лицейларга йўналтириш ишларини ташкил этиш. | 2022 йил апрель<br><br>2022 йил май | | | мувофиқлаштириш бошқармаси, |
| **VI. Иқтидорли ўқувчилар ва малакали тренерларни қўллаб қувватлаш** | | | | | | |
| **71.** | Иқтидорли ўқувчилар ўртасида ўтказиладиган фан олимпиадасининг вилоят, республика босқичида иштирок этадиган ўқувчиларга қулайликлар, етарлича шарт-шароитлар яратиш. | 1. Иқтидорли ўқувчилар ўртасида ўтказиладиган фан олимпиадаларининг вилоят босқичида иштирок этадиган иқтидорли ўқувчиларни олиб келиш ва кетиш учун бепул автобуслар туман (шаҳар) ҳокимликлар томонидан ажратилишини йўлга қўйиш.<br>2. Фан олимпиадасининг республика босқичида ўқувчиларни иштирокини таъминлаш мақсадида бошқа ҳудудларга юбориш учун вилоят ҳокимлиги томонидан таранспорт билан таъминлаш.<br>3. Вилоят ҳокимлиги томонидан иқтидорли ўқувчиларни фан олимпиадаси жараёнларида овқатланишни ташкил этиш; | 2022 йил февраль-ноябрь | Лойиҳа доирасида | Маҳаллий бюджет ҳисобидан | Андижон вилояти молия, халқ таълими бошқармаси, туман (шаҳар) ҳокимликлари |
| **72.** | Умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида иқтидорлиларни аниқлаш, уларни рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш орқали Республика ва халқаро фан олимпиадаларига фан олимпиадаларига пухта тайёрлаш. | 1. Белгиланган фанлар доирасида вилоятнинг юқори натижаларга эришган 7-11 синф иқтидорли ўқувчилари рўйхатини шакллантириш;<br>2. Фан олимпиадалари бўйича малакали тренерлар базасини шакллантириш ҳамда ўқувчиларни маҳаллий ва халқаро олимпиадаларга тайёрлаш бўйича семинарлар ташкил қилиш;<br>3. Кимё фани бўйича “Ўзбекистон Қаҳрамони Камолиддин Ғофуров”, физика | 2022 йил февраль<br><br>Режа асосида<br><br>2022 йил март | Лойиҳа доирасида | Хомийлик асосида | Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси |

| Т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Талаб этиладиган маблағ (сўм) | Молиялаштириш манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | фани бўйича “Зайнобиддинов Сирожиддин” ҳамда инглиз тили фанидан бўйича “Раҳимов Сотволди Раҳимович” номидаги вилоят фан олимпиадаларини ўтказиш;<br>4. Вилоятдаги умумтаълим мактабларининг энг намунали ва иқтидорли ўқувчиларини мунтазам рағбатлантириб бориш. | Мунтазам | | | |
| **73.** | Фан ўқитувчиларнин салоҳиятини ошириш, малакали тренерларни тайёрлаш ва рағбатлантириш мақсадида вилоятдаги академик ҳамда профессор олимлар номига турли фанлардан олимпиадалар ўтказиш | 1.Математика фандан академик Абдулла Аъзамов номига олимпиада;<br>2.Физика фанидан академик Сирожиддинов Зайнобиддин номига олимпиада;<br>3.Тарих фанидан академик Бўривой Ахмедов номига олимпиада;<br>4.Инглиз тилидан профессор Шахобиддин Алимов номига олимпиада;<br>5.Кимё фанидан академик Иброхимжон Асқаров номига вилоят олимпиадаларини ташкил этиш | 2022 йил март<br>2022 йил апрель<br>2022 йил май<br>2022 йил сентябрь<br>2022 йил октябрь | Тегишли ҳисоб-китобларга кўра | Хомийлик асосида | Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси |
| **74.** | Фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларида ғолиб бўлган иқтидорли ўқувчилар билан вилоят ҳоким учрашувларини ташкил этиш | 1.Фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларида совриндор бўлган иқтидорли ўқувчилар рўйхатини шакллантириш;<br>2.Иқтидорли ўқувчиларни рағбатлантириш мақсадида вилоят ҳокими билан учрашув ташкил этиш;<br>3.Вилоят ҳокими томонидан иқтидорли ўқувчиларга эсдалик совғалари бериш. | 2022 йил Март<br>2022 йил апрель<br>2022 йил май-июнь | Тегишли ҳисоб-китобларга кўра | Маҳаллий бюджет ҳисобидан | Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси |
| | | **VII. Олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик** | | | | |
| **75.** | Мактаблар учун ёрдам берувчи “Мобиль методик гуруҳлар”ни ташкил этиш. | 1. Ҳар бир ҳудудда бош олий таълим муассасасини белгилаш ва ушбу ОТМ ҳузурида ОТМ профессор-ўқитувчилари, академик лицей ҳамда умумтаълим | 2022 йил 1 март | - | - | Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси, Вилоятдаги олий |

| Т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Талаб этиладиган маблағ (сўм) | Молиялаштириш манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | мактаблари малакали ва тажрибали ўқитувчиларидан ташкил топган “Мобиль методик гуруҳлар”ни ташкил этиш.<br>2. Таълим сифати паст, муҳити оғир бўлган мактаблар рўйхатини шакллантириш.<br>3. Ҳар ойда “Мобиль методик гуруҳлар”ни ҳудудлардаги камида иккитадан таълим сифати паст, муҳити оғир бўлган мактабларга бориб, педагогларни илғор методикалар ва инновацияларга ўргатиш тизимини йўлга қўйиш.<br>4. Ҳар бир мактаб кесимида “мобиль методик гуруҳлар” фаолияти бўйича чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | 2022 йил 1 март<br>ҳар ойда<br>Мунтазам | | | таълим муассасалари ректорлари |
| **76.** | Вилоятдаги таълим сифати паст деб эътироф этилган 50 та умумтаълим мактабларни қўллаб-қувватлаш бўйича “Мактаб – ОТМ - Ҳудудий малака ошириш маркази - метод хизмат” ҳамкорлик моделини самарали ташкил этиш. | 1. ОТМ ва мактаб ҳамкорлиги доирасидаги чора-тадбирларни белгилаш ҳамда ҳар бир таълим муассасаси раҳбари 2022 йилга мўлжалланган “Йўл харитаси”ни тузиш ва ижрога йўналтириш.<br>2. Ҳудуддаги таълим сифати ва педагоглар салоҳияти паст, бўлган мактабларни ОТМ, ҳудудий малака ошириш маркази ва метод хизматларга бириктириш ҳамда тадбирлар ижросининг бажарилишини тўлиқ назоратга олиш.<br>3. Профессор-ўқитувчилар томонидан мактабда фаолият юритаётган фан ўқитувчиларининг касбий малакасига ташхис қўйиш, ташхис натижалари асосида ҳар бир ўқитувчининг индивидуал касбий ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш ва инновацион шаклларда уларнинг малакасини ошириш ва сифат | 2022 йил март<br>2022 йил апрель<br>2022 йил апрель-май | - | - | Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси, олий таълим муассасалари, ҳудудий малака ошириш маркази |

| Т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Талаб этиладиган маблағ (сўм) | Молиялаштириш манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | таркибини яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш. | | | | |
| **77.** | 2022 йилда умумтаълим мактаблари битирувчиларининг олий таълим муассасасига кириш кўрсаткичини 35% га етказиш. | 1. Вилоятдаги 5 та олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини туман(шаҳар) халқ таълими бўлимларига бириктириб ўқитувчиларга узлуксиз методик хизмат кўрсатиш ишларини олиб боришда хамкорликни йўлга қўйиш.<br>2. Профессор ўқитувчилар иштирокида ўқув-семинарлари, учрашувлар ва тадбирларни мунтазам ташкил этган ҳолда ҳамкорликни йўлга қўйиш.<br>3. Фанлар кесимида битирувчилардан ўтган йиллар давомида фойдаланилган тест намуналаридан имтихонлар ўтказиш.<br>4. Имтихон натижаларини таҳлил қилиб бориш ҳамда йўл қўйилган хатоликларни бартараф этиш чораларини кўриш.<br>5. 11-синф битирувчиларини “DTM.uz”, “abiturient” сайтлари орқали тест синовларидан унумли фойдаланиш кўрсаткичларини яхшилаш.<br>6. Халқаро йўналишлардаги саволларни ўзида мужассам этган ўқув дастурлари асосида қўшимча методик қўлланма ва адабиётлар яратиш. | 2022 йил март<br>доимий<br>2022 йил февраль-май<br>Мунтазам<br>Ҳар ойда<br>Йил давомида | - | - | Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси, вилоятдаги олий таълим муассасалари, давлат тест маркази ҳудудий маркази |
| **78.** | Мактаблардаги ёш педагогларни “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали нуфузли хорижий ОТМларга ўқишга юборишга кўмаклашиш. | 1. Вилоятдаги мактаблардан хорижий тилларни пухта ўзлаштирган ёшларни саралаб олиш.<br>2. Саралаб олинган ёшлар учун хорижий ОТМларга ҳужжат топшириш бўйича қисқа муддатли ўқув курслари ва семинар-тренинглар ташкил этиш.<br>3. Ёшларни хорижий тил бўйича билимларини оширишга, хорижий сертификатларни олишга ўқув-методик кўмаклашиш. | 2022 йил март ва доимий равишда | - | - | Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги вилоят бўлими вилоятдаги ОТМлар, Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси |

| Т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Талаб этиладиган маблағ (сўм) | Молиялаштириш манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **VIII. Умумтаълим муассасаларининг моддий-техника базасини ва инфратузилмасини ривожлантириш** | | | | | | |
| **79.** | Умумтаълим мактаблари, уларнинг инфратузилмаси ва моддий техник базасини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. | 1. Ҳудуддаги мактабларни ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган ишлар тўғрисида “Виждон хати”ни Президент Администрациясига киритиш;<br>2. Ҳудуддаги мактабларнинг моддий-техник базаси, жиҳозланиши, инфратузилмасини таҳлил этиш;<br>3. Таъмирталаб, инфратузилмаси ночор бўлган мактабларни аниқлаш;<br>4. Маҳаллий бюджет маблағларини йўналтириш.<br>Бунда, давлат бюджетидан бериладиган пуллардан ташқари, маҳаллий бюджет маблағларининг камида 30 фоизини ажратишни кўзда тутиш. | 2022 йил 15 февраль | - | - | Андижон вилояти молия бошқармаси, туман, шаҳар ҳокимлари |
| **80.** | Мактабларда қурилиш-таъмирлаш ишларини самарали ташкил этиш. | 1. Давлат дастурлари доирасида ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилаётган мактабларда жамоатчилик назоратини ўрнатиш;<br>2. Мактаб қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш ишларини талаб даражасида сифатли ташкил этиш.<br>Бунда, янги мактабларни барпо этиш, қуриш ва фойдаланишга топшириш борасидаги ишлар маҳалла фаоллари, ота-оналар ва жамоатчилик назорати остида қабул қилиш механизмини жорий этиш. | 2022 йил август | - | - | “Ягона буюртмачи хизмати” ИК, Вилоят молия бошқармаси, туман, шаҳар ҳокимлари |
| **81.** | “Баркамол авлод” болалар мактаблари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш | 1. “Баркамол авлод” болалар мактаблари ҳамда “Болалар кутубхоналари”ни моддий-техника базаси ҳолатини таҳлил қилиш;<br>Таҳлил асосида ушбу муассасаларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш бўйича маҳаллий бюджет маблағларини ажратилишини таъминлаш. | 2022 йил март-апрель | - | - | Андижон вилояти молия бошқармаси, туман, шаҳар ҳокимлари |

| Т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Талаб этиладиган маблағ (сўм) | Молиялаштириш манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **82.** | 2022 йилда Инвестиция дастури доирасида жами **23 та** халқ таълими муасссасаларида қурилиш-таъмирлаш ҳамда тўлиқ жиҳозлаш ишларини амалга ошириш. | 1. **4 та** янги қурилиш, **18 та** реконструкция қилиниши ва **1 та** мукаммал таъмирлаш ишлари амалга ошириладиган муассасаларни лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, экспертизадан ўтказиш, тендер асосида пудрат ташкилотларни бириктириш ва ўз муддатида фойдаланишга топшириш чораларини кўриш;<br>Қурилиш-таъмирлаш ишлари тугалланган мактабларни мебель, ўкув-лаборатория ва спорт анжомларига бўлган эхтиёжларини ўрганиб манзилли рўйхат шакллантириш ва жойларга тўлиқ етказилишини таъминлаш. | Августь – сентябрь<br><br>Қурилиш ишлари якунлан-ганданг сўнг | 173,2 млрд.<br><br>13,2 млрд. | Республика бюджети<br><br>Республика бюджети | Вилоят ҳокими ўринбосари (И.Ҳалматов), “Ягона буюртмачи хизмати” ИК |
| **83.** | Вилоятдаги **66 та** мактаблардаги таъмирталаб хожатхоналарни янгитдан қуриш ва мукаммал таъмирлаш. | 1. Хожатхоналари таъмирга мухтож 66 та мактабларнинг рўйхатини шакллантириш.<br>2. Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш чораларини кўриш. | 2022 йил якунига қадар | 5,3 млрд. | Маҳаллий бюджет ва ҳомийлик маблағлари ҳисобидан | Туман (шаҳар) ҳокимликлари |
| **84.** | Вилоятдаги 50 та атрофи тўлиқ ўралмаган мактабларни ҳудудини ўраш чораларини кўриш. | 1. Вилоятдаги **50 та** атроф-ҳудудларини қўрғон девор ёки панжаралар билан ўраладиган мактаблар рўйхатини шакллантирш.<br>2. Ушбу ишлар учун маҳаллий бюджетдан маблағ ажратилиши ва қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш чораларини кўриш. | 2022 йил якунига қадар | 10,9 млрд. | Маҳаллий бюджет ва ҳомийлик маблағлари ҳисобидан | Туман (шаҳар) ҳокимликлари |
| **85.** | Вилоятдаги оғир ҳудудлар сифатида танлаб олинган МФЙда жойлашган 16 та таъмирга муҳтож мактабларни реконструкция ва мукаммал таъмирлаш чораларини кўриш. | 1. Оғир ҳудудлар сифатида танлаб олинган МФЙларда жойлашган **16 та** мактабларни ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, реконструкция ва мукаммал таъмирлаш дастурини шакллантириш;<br>2. Мазкур қурилиш-таъмирлаш ишлари учун маҳаллий бюджетдан маблағлар ажратилишини таъминлаш. | 2022 йил якунига қадар | 106,8 млрд. | Маҳаллий бюджет ва ҳомийлик маблағлари ҳисобидан | Вилоят ҳокими ўринбосари (И.Ҳалматов), “Ягона буюртмачи хизмати” ИК |
| **86.** | Вилоятдаги 27 та мактабларга кутубхона қуриш ва мавжудларини | 1. Вилоятдаги **27 та** мактабларга кутубхона қуриш ва мавжудларини | 2022 йил якунига қадар | 1,4 млрд. | Маҳаллий бюджет ва | Туман (шаҳар) ҳокимликлари |

| Т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Талаб этиладиган маблағ (сўм) | Молиялаштириш манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | таъмирлаш. | мукаммал таъмирлаш манзилли режасини шакллантириш;<br>2. Мазкур қурилиш-таъмирлаш ишлари учун маҳаллий бюджетдан маблағлар ажратилишини таъминлаш. | | | ҳомийлик маблағлари ҳисобидан | |
| **87.** | 2021 йилда ташкил этилган 15 та хорижий тилларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаблар моддий техника базасини мустаҳкамлаш | Халқ таълими вазирлиги тавсиялари асосида хоридий тиллар синфини замонавий жиҳозлар билан таъминлаш. | 2022 йил июль | Ҳисоб китоблар асосида | Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан | Андижон вилояти молия, халқ таълими бошқармалари |
| | **IX. Ижро интизомини мустаҳкамлаш** | | | | | |
| **88.** | Ижро интизоми ва фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада ривожлантириш, масъул ходимларни билим ва кўникмаларини мустахкамлаш чораларини кўриш. | 1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда бошқа юқори турувчи давлат ташкилотларнинг топшириқларини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш бўйича тажрибали кадрлар томонидан вилоят семинарларини ташкил этиш.<br>2. Халқ таълими бошқармаларида, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларида, ижро интизоми ва фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш бўйича тизимли ишларни олиб борилишини йўлга қўйиш мақсадида, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ижро интизоми ва мурожаатлар билан ишлашга масъул ходимларнинг ҳудудий бошқармада стажировкадан ўтишларини йўлга қўйиш.<br>3. Ижро интизоми назорати бўйича тизимли тартиб ўрнатиш ҳамда ушбу йўналишдаги масъул ходимларга амалий ёрдам бериш.<br>4. Жойларда ижро интизоми ва фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш бўйича туман (шаҳар) Халқ таълими бўлимлари масъул ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан олишда вилоят халқ таълими бошқармаси | 2022 йил январь-декабрь | - | - | Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси |

| Т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Талаб этиладиган маблағ (сўм) | Молиялаштириш манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | билан келишиб иш ташкил этишлари бўйича тартиб ўрнатиш. | | | | |
| **89.** | Қонунчилик ҳужжатлари ижросини назорат қилишни **“doc.ijro.uz”** тизими орқали олиб борилишини таъминлаш. | 1. Ҳудудий халқ таълим бош бошқармаси, туман халқ таълим бўлимларида “**doc.ijro.uz**” тизимидан доимий равишда фойдаланилишини назорат қилиш.<br>2. Чиқиш ҳужжатларини “**doc.ijro.uz**” тизими орқали амалга ошириш. | 2022 йил январь-декабрь | - | - | Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси |
| **90.** | Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини вилоят, туман (шаҳар) миқёсида ўз вақти сифатли кўриб чиқилишини йўлга қўйиш. | 1. Жисмоний ва юридик шахсларнинг оғзаки мурожаатларини белгиланган тартибда рўйхатга олиниши ва кўриб чиқилиши бўйича вилоят бошқармасида ташкил этилганидек туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларида хам ишонч телефонларини ташкил этиш ва оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда эълонлар бериш.<br>2. Жисмоний ва юридик шаҳсларнинг электрон мурожаатларини қабул қилиш ва ижрога йўналтириш мақсадида ташкил этилган **“Таълим инспектори бот”** каналида доимий назорат ўрнатишни ташкил этиш.<br>3.Мурожаатлар сони кўп бўлган ҳудудларда сектор раҳбарлари билан ҳамкорликда **“Сайёр қабул”**лар ўтказиш. | 2022 йил март<br><br>2022 йил февраль | - | Маҳаллий бюджет маблағлари | Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси, туман (шаҳар) ҳокимликлари |
| **91.** | **ijro.gov.uz** ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимидан фойдаланишни йўлга қўйиш. | 1. Вилояти халқ таълим бошқармасининг барча бўлимларида ва туман (шаҳар) халқ таълим бўлимлари ҳамда умумтаълим мактабларида **ijro.gov.uz** тизимини ишга тушириш. | 2022 йил апрель | - | - | Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси |

| Т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Талаб этиладиган маблағ (сўм) | Молиялашти-риш манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **X. Халқ таълими тизим ташкилотлари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари фаолиятини такомиллаштириш** | | | | | | |
| **92.** | Ҳудуд раҳбарларининг мактаб таълимини ислоҳ қилишдаги масъулиятини ошириш. | 1. Вилоят ва туман миқёсида халқ таълими масалаларини ривожлантиришга қаратилган мактаб таълимини ислоҳ қилиш вилоят ва туман (шаҳар) кенгашларини ташкил этиш;<br>2. Кенгашларнинг биринчи йиғилишини ўтказиш ҳамда кенгаш вазифаларини белгилаш. | 2022 йил февраль | - | - | Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси, туман (шаҳар) ҳокимликлари |
| **93.** | Вилоятдаги мактабларнинг инфратузилмасини яхшилаш, таълим сифатини оширишга қаратилган дастурини тасдиқлаш учун Республика Кенгашига киритиш. | Вилоятдаги мактабларни моддий-техник базасини яхшилаш, таълим сифатини ошириш;<br>барча ташкилотларни мактабни ривожлантиришга жалб этиш. | 2022 йил март | - | - | Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси, туман (шаҳар) ҳокимликлари |
| **94.** | “Баркамол авлод” болалар мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш. | 1. Вилоятдаги **17 та** “Баркамол авлод” болалар мактабларини **170 дона** мебель жиҳоз, **90 дона** робототехника, **160 дона** компьютер техникаси, **85 дона** тикув машинаси билан таъминлаш.<br>2. Андижон шаҳридаги “Баркамол авлод” болалар мактаби биносини реконструкция қилиш. | 2022-2023 йиллар | Лойиҳа-смета ҳужжатларига кўра | Маҳаллий бюджет ва махсус ҳисоб рақами маблағлари ҳисобидан | Андижон вилояти молия, халқ таълими бошқармалари, туман(шаҳар) ҳокимликлари |
| **95.** | “Баркамол авлод” болалар мактабларида ўқувчилар қамровини икки бараварга ошириш. | 1. Андижон вилоятидаги барча умумий ўрта таълим муассасаларида “Баркамол авлод” болалар мактабларининг тармоқ тўгаракларини ташкил этиш учун штат бирликларини ажратиш.<br>2. Ўқувчиларнинг қайси тўгаракларга қизиқишлари бўйича сўровнома ўтказиш;<br>3. Умумий ўрта таълими муассасаларида “Баркамол авлод” болалар мактабларининг тармоқ тўгаракларини очиш. | 2022-2023 йиллар | Тасдиқланган график асосида | Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан | Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси |
| **XI. Ҳудудда халқ таълими тизими мулкидан самарали фойдаланиш ва давлат-хусусий шериклик асосида ривожлантириш** | | | | | | |
| **96.** | Вилоят халқ таълими тизимидаги бўш турган бино-иншоотлар ва ер | 1. Вилоят халқ таълими тизимидаги бўш турган бино-иншоотлари ва ер | Доимий | - | - | Вилоят халқ таълими |

| Т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Талаб этиладиган маблағ (сўм) | Молиялаштириш манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | майдонларида давлат-хусусий шерилик лойиҳалари асосида нодавлат умумтаълим мактабларини ташкил этиш. | майдонлари мавжуд таълим муассасалари рўйҳатини шакллантириш.<br>2. Аниқланган бино-иншоотлар ва ер майдонларида давлат-хусусий шериклик лойиҳалари асосида нодавлат умумтаълим мактаблари ташкил этиш таклифларини билдирган тадбиркорлар лойиҳаларини шакллантириш. | | | | бошқармаси, Давлат активлари бошқармаси |
| **97.** | Бўш турган ёки 0,7 коэфф.дан паст бўлган мактабларни аниқлаш ва бино ва иншоотлардан самарали фойдаланиш мақсадида хусусий секторларга давлат-хусусий шериклик асосида бериш. | 1. Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари балансида бўлган бўш бино ва иншоотларни ижарага ёки хусусий секторларга давлат-хусусий шериклик асосида бериш юзасидан таклифлар тайёрлаш ва эълонга бериш. | Доимий | - | - | Вилоят халқ таълими бошқармаси, Давлат активлари бошқармаси |
| **XII. Умумтаълим муассасаларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш** | | | | | | |
| **98.** | Умумтаълим мактабларининг бюджетдан ташқари маблағ тушумларини ошириш. | 1.Мактабнинг бўш турган ҳудудига ёки амалдаги спорт майдонига тадбиркорларни жалб қилган ҳолда замонавий спорт майдони қуриш ва ижара шартнома орқали мактаб жамғармаси маблағларини ошириш;<br>2. Бўш турган ер ва бино-иншоатлардан самарали фойдаланиш мақсадида тадбиркорларга давлат-хусусий шерикчилик асосида бериш<br>3.Мактаб ўқувчилари ҳамда ота-оналари ўртасида қўшимча тўгараклар ташкил этиш бўйича сўровномалар ўтказиш ва шу асосида тўгаракларни ташкил этиш.<br>4.Бюджетдан ташқари топилган маблағлар ҳисобидан мактаб моддий-техника базаси ва ўқитувчи, ўқувчиларни рағбатлантириш. | 2022 йил Март-май | Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 июндаги 454-сон қарорига асосан электрон савдодаги маблағ | Ижарачи маблағлари | Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси, Туман (шаҳар) ҳокимликлари, |
| **99.** | Бошланғич синфларда куни узайтирилган гуруҳлар | 1.Ота-оналар иштирокида сўровнома ўтказиш.<br>2.Сўровнома натижаларига кўра куни узайтирилган гурухларни ташкил этиш.<br>3.Бюджетдан ташқари топилган | 2022 йил Август-сентябрь | Мабалағ талаб этилмайди | - | Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси |

| Т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Талаб этиладиган маблағ (сўм) | Молиялаштириш манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | маблағлар ҳисобидан ўқитувчиларга қўшимча маблағ тўлаш ва моддий техника базасини мустаҳкамлаш. | | | | |
| **100.** | Умумтаълим мактаблари ошхоналарида сифатли хизмат кўрсатишни ташкил этиш учун жойларда “Аутсорсинг” хизматини шакллантириш. | 1.Умумтаълим муассасаларининг ошхоналарини ижарага олган ижарачи тадбиркорлар рўйхатини шакллантириш ва ва фаолиятини қайта кўриб чиқиш.<br>2. Вилоят санитария-эпидемиолгик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошқармаси билан ҳамкорликда тажрибали ва ошхона фаолияти наъмунали йўлга қўйилган мактаблар ошпазлари тажрибасини оммалаштириш мақсадида ўқув семинарлари ташкил этиш. | 2022 йил давомида | Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 июндаги 454-сон қарорига асосан электрон савдодаги маблағ | бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан | Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси ва туман (шаҳар) ҳокимликлари |
| **XIII. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий этиш** | | | | | | |
| **101.** | Компьютер синфлари мавжуд бўлмаган умумтаълим мактаблари замонавий компьютер техникалари билан таъминлаш. | 1. Замонавий компьютерлар билан жиҳозлаш бўйича умумтаълим мактабларини эхтиёжини аниқлаш ва дастлабки ҳисоб-китобини қилиш;<br>2. Вилоятдаги 125 та умумтаълим мактабларини компьютер синфлари билан таъминлаш. | 2022 йил февраль<br><br>март-апрель | 5 млрд 917 млн. | Маҳаллий бюджет маблағлари | Андижон вилояти молия, халқ таълими бошқармаси, туман(шаҳар) ҳокимликлари |
| **102.** | Умумтаълим мактабларида ўқитувчи ва ўқувчилари учун ахборот-коммуникация техноло-гиялари инфратузилмасини яратиш. | 1. Барча умумтаълим мактабларида “Электрон кундалик” ва “erp.maktab.uz” автоматлаштирилган ахборот тизимини тўлиқ ишга туширишда юзага келаётган муаммоларни аниқлаш.<br>2. Муаммоларнинг ечими юзасидан манзилли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб тасдиқлаш.<br>4. Педагог кадрларга ва ўқувчиларнинг ота-оналарига “Электрон кундалик” дастурида ишлаш, маълумотлар киритиш ва бошқа масалалар бўйича методик хизмат кўрсатиб бориш.<br>5. Вилоятдаги барча умумтаълим | 2022 йил сентябрь-декабрь | Ҳисоб-китобларга асосан | Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан | Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси |

| Т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Талаб этиладиган маблағ (сўм) | Молиялаштириш манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | мактабларида “Электрон кундалик” платформасидан фойдаланишларини йўлга қўйиш ва дастурини самарали ишлашини доимий назорат қилиш. | | | | |
| **103.** | Вилоятдаги барча умумтаълим мактабларига уланган юқори тезликдаги интернет тармоғини мунтазам ишлашини таъминлаш. | 1. Барча умумтаълим мактабларини интернет тармоғидан доимий фойдаланилишини таъминлаш мақсадида 2022 йил учун молиялаштириш чораларини кўриш.<br>2. Ўзбектелеком АК томонидан Мактаблар учун белгиланган “Education” таърифидан келиб чиқиб мактаб ўқувчи сонига қараб тақсимлаш ва барқарор ишлашини таъминлаш.<br>3. Мактабларда доимий интернет ишлашини назорат қилиб бориш. | 2022 йил февраль | 4 млрд. 837 млн. 200 минг | Махаллий бюджет | Андижон вилояти молия, халқ таълими бошқармаси, |
| **104.** | Информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчиларини дастурлаш тиллари бўйича малакасини ошириш | 1. Информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчиларини дастурлаш тиллари бўйича худудий малака ошириш институти, нодавлат ташкилотлар билан хамкорликда малакасини ошириш ишларини ташкил этиш.<br>2. Умумтаълим мактаблари раҳбар кадрларини халқ таълими тизимида фойдаланиладиган ахборот тизимлари ва ресурсларидан (ERP, my.maktab.uz, kitob.uz ва бошқалар ) фойдаланиш бўйича ҳамда АКТ (Microsoft office, Id.gov.uz, SMM (facebook, Instagram, youtube), my.mehnat.uz, uzbekcoders.uz, Gmail почта, Google Docs, Google Drive, Google Form, google calendar) саводхонлигини оширишга қаратилган **ўқув дастури лойиҳасини** ишлаб чиқиш; | 2022 йил март-май<br><br>2022 йил декабрга қадар | Лойиҳа доирасида | Республика бюджети маблағлари | Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси, АКТ бошқармаси |
| **105.** | Умумтаълим мактабларининг | 1. Умумтаълим мактабларининг | 2022 йил | Лойиҳа | - | Андижон вилояти |

| Т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Талаб этиладиган маблағ (сўм) | Молиялаштириш манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчилари ўртасида “IT-Bilimdoni” ва “Графика ва дизайн” кўрик-танловини ўтказиш | информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчилари ўртасида “IT-Bilimdoni” ва “Графика ва дизайн” кўрик-танловларини ўтказиш бўйича Низомни ишлаб чиқиш.<br>2. Умумтаълим мактабларининг информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчилари ўртасида “IT-Bilimdoni” ва “Графика ва дизайн” кўрик-танловларини ўтказиш.<br>3. Ғолибларни сертификат ва эсдалик совғалари билан тақдирлаш. | февраль-март | доирасида | | халқ таълими бошқармаси |
| **106.** | Мактаблар ўқитувчиларини «Бир миллион дастурчи» лойиҳаси доирасида малакасини ошириш. | 1. Умумтаълим мактабларнинг 7 — 11 синфлари ўқувчиларини «Бир миллион дастурчи» лойиҳаси доирасида дастурлаш тилларига ўқитишни ташкил қилиш.<br>2. Рўйхат асосида ўқитувчилар учун вебинар ташкил этиш.<br>3. Ўқув курсларини муваффақиятли тугатган ўқувчиларга Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркининг IT-академиясида таҳсил олишлари учун махсус чегирмалар асосида йўлланма бериш тизимини яратиш. | 2022 йил давомида | Лойиҳа доирасида | | Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси |
| **107.** | Умумтаълим мактабларида ўқувчилар учун “Киберспорт” ва “Робототехник” бўйича тўгараклар ташкил этиш | 1. Умумтаълим мактабларидаги мавжуд информатика хоналарида яратилган шароитлар билан танишиш ва ўрганиб чиқиш<br>2. Малакали мутахассислар жалб қилган холда ҳар бир мактабда тўгараклар фаолиятини йўлга қўйиш<br>3. Тўгараклар фаолятни аорат қилиб бориш ва танловлар ташкил этиш | 2022 йил давомида | Лойиҳа доирасида | | Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси |

| Т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Талаб этиладиган маблағ (сўм) | Молиялаштириш манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **XIV. Халқ таълими тизими ходимларини рағбатлантириш** | | | | | | |
| **108.** | Яхши натижага эришган халқ таълими тизимидаги ходимларни тармоқ ва давлат мукофотларига тавсия этиш. | 1.Андижон вилояти халқ таълими тасарруфидаги таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган мукофотларига лойиқ халқ таълими ходимлари рўйхатини шакллантириш.<br>2.Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигини топшириғига асосан мукофотларига лойиқ халқ таълими ходимлари рўйхатини тартиб асосида ҳужжатларини тақдим этиш. | 2022 йил апрель - июнь | - | - | Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси Туман(шаҳар) ҳокимликлари |
| **109.** | Ҳар йили меҳнат таътилига чиққан ходимни санатория ва соғломлаштириш марказларига юборишни ташкил этиш. | 1. Бир йил давомида таътилга чиқадиган ходимларнинг таътил даври кўрсатилган рўйхатини шакллантириш.<br>2. Касаба уюшмалари билан хамкорликда ходимни санатория ва соғломлаштириш марказларига юборишни ташкил қилиш.<br>3. Йил давомида вилоятдаги жами мактаб ўқитувчиларининг 10 фоизидан кам бўлмаган қисмини соғломлаштириш чораларини кўриш. | 2022 йил давомида | - | Касаба уюшмалари федерациясининг Андижон вилояти кенгаши маблағлари | Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари федерациясининг Андижон вилояти кенгаши, Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси |
| **110.** | Вилоятда “Ижодкор ўқитувчилар” кўрик танловини ташкил этиш | 1.Кўрик танлов Низомини ва чора-тадбир режасини ишлаб чиқиш;<br>2. Ғолиб бўлган жамоани рағбатлантириш мақсадида маҳаллий бюджет хисобидан маблағ ажратиш;<br>3. Режа асосида кўрик танловни ўтказиш;<br>4. Кўрик-танлов ғолибларига пул мукофотлари ва маиший техникалар бериш<br>5. Ғолиб бўлган ўқитувчиларни тармоқ мукофотларига тавсия этиш. | 2022 йил апрель<br><br>2022 йил май<br><br>2022 йил июл-август | 100 млн. | Махаллий бюджет | Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси |
| **111.** | Вилоят халқ таълими тизими ходимлари ўртасида “Заковат” интелектуал ўйинини ташкил этиш. | 1. Вилоят халқ таълими тизими ходимлари ўртасида “Заковат” интелектуал ўйинини ўтказиш тўғрисида низом ва чора-тадбир режасини ишлаб чиқиб тасдиқлаш. | 2022 йил май | 100 млн. | Махаллий бюджет | Андижон вилояти молия, халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) |

| Т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Талаб этиладиган маблағ (сўм) | Молиялаштириш манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 2. Режа асосида “Заковат” интелектуал ўйинини ўтказиш.<br>4. “Заковат” интелектуал ўйинини ғолибларга пул мукофотлари ва маиший техникалар бериш.<br>5.Ғолиб бўлган ўқитувчиларни тармоқ мукофотларига тавсия этиш. | | | | ҳокимликлари |

**Халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш бўйича**
**Андижон вилояти кенгаши раиси ўринбос ари:** **А.Миркамилов**